

Journal of Social Research in Uzbekistan**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**NATIONAL UNITY AS A GUARANTEE OF AFGHANISTAN'S STABILITY****Shoislam Akmalov**

associate professor, candidate of political sciences

International Islamic Academy of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Taliban, Northern Alliance, Pashtunistan, National Resistance Front of Afghanistan, Dari, Hazaras, Balkanization, Durand Line, National Unity, Inclusive Government.

Abstract: This article analyzes the internal and external factors that hinder the processes of national unity in Afghanistan. The article argues that national unity is the guarantee of Afghanistan's stability in the future.

Received: 09.12.22**Accepted:** 11.12.22**Published:** 13.12.22**МИЛЛИЙ БИРЛИК АФГАНИСТОН БАРҚАРОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА****Шоислом Акмалов**

доцент, сиёсий фанлар номзоди

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: “Толибон”, Шимолий Альянс, Пуштунистон, Афғонистон Миллий қаршилиқ жабҳаси, дарий, ҳазоралар, болқонлашув, Дюранд чизиғи, миллий бирлик, инклюзив ҳукумат.

Аннотация: Ушбу мақолада Афғонистонда миллий бирлик жараёнларига тўсқинлик қилувчи ички ва ташқи омиллар таҳлил этилган. Мақолада миллий бирлик истиқболдаги Афғонистон барқарорлигининг кафолати бўлиши асосланган.

НАЦИОНАЛЬНОЕ ЕДИНСТВО КАК ЗАЛОГ СТАБИЛЬНОСТИ АФГАНИСТАНА**Шоислам Акмалов**

доцент, кандидат политических наук

Международная исламская академия Узбекистана

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Талибан, Северный альянс, Паштунистан, Фронт национального сопротивления Афганистана, дари, хазарейцы, балканизация, линия Дюрана, национальное единство, инклюзивное правительство.

Аннотация: В данной статье анализируются внутренние и внешние факторы, препятствующие процессам национального единства в Афганистане. В статье утверждается, что национальное единство является гарантом стабильности Афганистана в будущем.

КИРИШ

هر چی باشی، باز هم افغانی هستی - ҳар че боши, боз ҳам афғони ҳасти

Ким бўлишингдан қатъий назар, сен афғонсан!

Афғонистон учун бугунги давр сиёсий қалтис вазият бўлиши билан биргаликда, керакли ўзгаришларни амалга ошириш учун қулай фурсатлардан бири ҳисобланади. Қарийб 20 йил давомида мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун жавобгар АҚШ бошчилигидаги коалицион кучларнинг самарасиз мамлакатни тарк этиши натижасида “Толибон” кучлари бутун Афғонистон барқарорлигини зиммасига олиши учун шароит вужудга келди. Афғон халқи учун ушбу даврни ўзига хос “сиёсий имтиҳон” даври дейиш мумкин. Бугунги кунда “Толибон” Афғонистонда барқарорлик ўрната оладими, деган савол барча сиёсатшунослар ва таҳлилчилар эътибор марказида бўлиб турибди.

Украинадаги уруш фонида Афғонистондаги вазият маълум бир вақт давомида халқаро сиёсат эътиборидан четда қолди. Аммо бунинг натижасида можаро ўз кескинлиги ва глобал миқёсдаги жиддийлигини асло йўқотгани йўқ. “Толибон” кучлари Кобул ҳокимиятини эгаллаганига қарийб бир йилдан ошганига қарамай, ушбу давлатдаги вазият кутилган даражада барқарор эмас. Афғонлар айнан ҳозирда ўз тақдирини белгилаш учун халқаро иқтисодий-ижтимоий кўмакларга сезиларли

даражада эҳтиёж сезмоқда. БМТ маълумотларига кўра, 2021 йилда 18,4 млн аҳоли гуманитар кўмакка муҳтож бўлган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 24,4 млн кўтарилган ёки аҳолининг 59 фоизи оғир шароитда кун кечирмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Миллий бирлик масаласи Афғонистонда узоқ вақтдан буён долзарб бўлиб келади. Бирликни таъминлашга бўлган эҳтиёж айниқса Афғонистонга совет қўшинлари кириб келиши арафасида анча кучайди. Шунингдек, ушбу масала қўшинлар олиб чиқиб кетилгандан сўнг ҳам вужудга келган ўзаро этник бўлинишларни бартараф этиш мақсадида ижтимоий-сиёсий ғоя сифатида пайдо бўлди. 1993 йилнинг 13 мартда Пешоварда “Афғонистон миллий бирлиги ва ўзаро келишув кенгаши” (Шўрое тафохум ва Ваҳдате миллие Афғонистон) ташкил этилди. Унинг аъзолари афғон мужоҳид қўмондонлари, диний уламолар ва Афғонистон вилоят ва ҳудудларининг турли хил миллат вакилларида иборат эди. Советлар босқини даврида Афғонистонда этнослар ўртасида миллий бирликни таъминлашга бўлган ҳаракатнинг асосий сабаби ислом омили бўлди. Шу жиҳатдан, ислом дини Афғонистондаги барча миллатларни бирлаштирувчи ғоявий асос эканлигини кўриш мумкин. Муҳсинжон Парварнинг эътироф этишича, барча афғонларни бирлаштирувчи ягона омил ислом ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, афғон сиёсий саҳнасида “Толибон” ҳаракатининг пайдо бўлиш сабабларидан бири ҳам айнан ислом омили воситасида этник мурасизликни келтириб чиқариш эди. 1996-2001 йилларда Афғонистонга сиёсий босим ўтказишнинг ўткир қуроли сифатида толибларга қарши бутун бир афғон миллатларининг бирлигини таъминлашнинг имкони йўқ эди. Чунки, бу ерда афғон миллатларининг бирлигини таъминлаб турувчи ислом динидан ўзига хос таъсир воситаси сифатида фойдаланилди. Оқибатда, толибларни кўпчилигини пуштунлар

ташкил этганлиги сабабли, ушбу этнос ва бошқа этник гуруҳлар ўртасида зиддиятлар вужудга келди.

2001 йилда халқаро коалицион кучлар Афғонистонга кириб келганда ҳам миллатлар ўртасида интеграцияга эришиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолди. Хусусан, шарқий пуштунлар Кобул ҳокимиятига қарши чиқишди. Уларнинг норозилиги 2001 йилдан кейин Афғонистон ҳокимиятида пуштунларнинг ўрни анча камайгани билан боғлиқ эди. Бунинг сабаби, бир томондан, афғон сиёсий саҳнасида толибларнинг иштирокини таъқиқлашни кўзда тутувчи 2001 йил ноябрь қарори билан боғлиқ эди. Зероки, пуштунларнинг асосий қисми “Толибон” ҳаракатига жалб қилинганлиги сабабли, 2001 йилда улар сиёсий жараёнлардан мосуво бўлди. Бошқа томондан, Кобулдаги марказий ҳукуматнинг асосий тузилмаларида этник озчилик вакиллариининг иштироки таъминланди. Умумий бўлиб, ҳукуматнинг 29 аъзосидан 17 таси Шимолий Альянс вакиллари эди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, пуштунларнинг Кобул ҳокимиятидаги этник озчилик фаолиятига қаршилик билдириши миллий бирлашувга тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолди. Ташқи томондан Покистон томонининг пуштунларни қўллаб-қувватлаши уларни бошқа этнос вакиллари билан муносабатда бирликка эришишига бўлган ҳаракатларни йўққа чиқарарди.

2021 йил августда “Толибон” кучларининг Кобул ҳокимиятини қайта қўлга киритиши миллий бирлик масаласини сўроқ остида қолдирди. Бошқача айтганда, Афғонистонда пуштунлаштириш сиёсати қайта авж олди. Ҳеч бир давлат “Толибон” ҳукуматини тан олмаслиги, боз устига жаҳон ҳамжамияти томонидан инклюзив ҳукумат ташкил этиш талаб этилишига қарамасдан муваққат ҳукумат бу борада зарур қадамларни амалга оширмади. Хусусан, “Толибон”га қарши ташкил этилган Афғонистон Миллий қаршилик жабҳаси муваққат ҳукумат билан мулоқот олиб

боришга тайёр эканини маълум қилди. Ҳаттоки, 2022 йил январь ойида Жабҳа вакиллари ва “Толибон” Ташқи ишлар вазири Амирхон Муттақий ўртасида Техронда ўтказилган музокараларда ҳокимиятни турли этносиёсий гуруҳлар иштирокида ўзаро тақсимлаш таклифи билдирилди. Бироқ, “Толибон” томони бу таклифни рад этди. Human Rights Watch маълумотларига кўра, 2021 йил октябрь ойи бошида Толибон ва унга алоқадор гуруҳлар жанубий Ҳилманд вилояти ва шимолий Балх вилоятидан юзлаб ҳазора оилаларини мажбуран чиқариб юборишган. Бу кўчиришлар Қундуз, Дайкунди, Урузгон ва Қандаҳор вилоятларида содир бўлган. Пуштун миллатига мансуб бўлмаган бу оилаларнинг ерлари кейинчалик пуштунлар ва “Толибон” тарафдорларига қайта тақсимланган. Бундан ташқари, “Толибон” иккинчи маъмурияти этник озчилик сўзлашадаган тил масаласида ҳам монолингвистик сиёсатни давом эттирмоқда. Жумладан, Балх университетининг пештоқи ҳамда Кобулда жойлашган Олий суд биносининг дарий тилидаги ёзуви пушту тилига ўзгартирилгани шундан далолат беради. Табиийки, бундай этносиёсий ва этнолисоний қарашлар Афғонистондаги миллий бирлик масаласини янада чигал тус олишига замин ҳозирлайди.

Шак-шубҳасиз, инклюзив ҳукуматнинг ташкил этилиши мамлакатдаги оз сонли этносларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга, энг асосийси миллий бирликни яратишга имкон яратар эди. Шарқшунос-афғоншунос С.Бўронов ёзганидек, афғон “болқонлашув” жараёнлари бу масалада давлат томонидан бир қатор ислохотлар ўтказилиш заруриятини тақозо этади. Биринчи навбатда, Афғонистонда истиқомат қилаётган барча этнос вакилларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш масаласи Афғонистон раҳбариятининг энг муҳим вазифаларидан бўлмоғи лозим. Хусусан, Афғонистон Конституциясининг 4 моддасига кўра “Афғонистоннинг миллий ҳокимияти тўғридан-тўғри ва у сайлаган вакиллардан иборат миллатга тегишли ҳисобланади.

Афғонистон миллати пуштун, тожик, ҳазора, ўзбек, балуж, туркман, нуристоний, помирий, араб, гужар, брохуй, қизилбош, аймақ ва пашойи ва бошқа қавмлардан иборат. “Афғон” сўзи Афғонистоннинг ҳар бир фуқаросига тегишли ҳисобланади. Миллат шахсларидан ҳеч бири Афғонистон фуқаролигидан маҳрум қила олмайди”. Бундан кўриниб турибдики, юқорида тилга олинган қавмларнинг барчаси афғон миллатини ташкил этади ва 14 та этник гуруҳнинг мамлакат Асосий Қонунида ажратилган ҳолатда номма-ном кўрсатилиши афғонларнинг ягона халқ бўлиб шаклланишига ҳуқуқий жиҳатдан тўққинлик қилади. Ҳолбуки, Афғонистонда 30 дан ортиқ этнос вакиллари мавжудлиги эътиборга олинса, Афғонистон Конституциясига маълум ўзгартиришлар киритиш зарурлигини, яъни бу ўлкада истиқомат қиладиган барча этнос вакиллари ижтимоий келиб чиқиши, тили, дини, миллатидан қатъий назар Афғонистон фуқароси, деб тан олинишини тақозо этади. Барча этносларнинг тенглигини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш амалиётда этносиёсий тотувликни таъминлаш учун замин яратади. Шунингдек, ушбу ҳужжатнинг 6 моддасида давлат демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига асосланган тараққий этган ва гуллаган жамият барпо этишга, ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, давлатнинг барча ҳудудларида барча миллатлар ва элатлар орасида миллий бирлик ва тенгликни таъминлашга масъул эканлиги қайд этилган. С.Бўроновнинг фикрича, Афғонистон Конституциясининг 4 моддасига юқорида таъкидланган кўринишдаги ўзгартиришлар киритилиши 6 моддада назарда тутилган давлатнинг ижтимоий вазифаларига тўла мос келади. Афғонистондаги этносиёсий масалалар бўйича шуғуланувчи профессор Расул Бахш Раис мавзуга оид илмий мақоласида шундай қайд этади: “Толибон ўтмишда маданий ёки этник плюрализм ғоясини рад этиб, анъанавий ислом, афғон миллатчилиги ва ҳокимиятни марказлаштириш ғояларини илгари сурган. Пуштун бўлмаган этник гуруҳлар эса ўз-ўзидан бу ҳолатни пуштун ҳукмронлигини

жонлантириш сиёсати сифатида қабул қилади”. Олимнинг фикрича, токи “Толибон” этник ва диний озчилик билан ҳокимиятни бўлишишга жиддий қадамлар ташламагунича, на халқаро ҳамжамият ва на ҳаттоки Покистон каби исломий давлатлар ҳам кафолат эвазига уларнинг ҳукумати тан олмайди. Дарҳақиқат, “Толибон” иккинчи маъмуриятининг инклюзив ҳукумат ташкил этиш ишларини ортга суриб келаётгани ёки тамомила рад этаётгани сингари воқеликлар Афғонистонда миллий бирлик ҳали-бери таъминланмайди, деган гипотезани тасдиқлашга асос бўлади.

Ўз навбатида, миллий бирликка тўсиқ бўлувчи омиллар сирасига ташқи кучлар омилини ҳам киритиш ўринли бўлади. Жумладан, Исломобод пуштунлардан сиёсий дастак сифатида фойдаланса, Техрон шиа ҳазораларини қўллаб-қувватлайди. Пуштунларнинг Дюранд чизиғи орқали Афғонистон ва Покистон ҳудудида икки қисмга ажралиб қолиши Исломобод олдида турли мушкулотларни вужудга келтирди. Барча пуштун қабилаларини бирлаштиришга қаратилган Пуштунистон ғояси Покистон ҳудудий яхлитгини жиддий хавф остида қолдирарди. Шу сабабдан, Покистон пуштун омилидан Афғонистонга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланиб келади. Техрон сиёсати эса Афғонистондаги уруш йилларида бир неча сиёсий ва қуроли гуруҳларни қўллаб-қувватлаш ва шу орқали қўшни давлатга таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб келган. Сиёсий фанлар доктори, профессор А.Ҳайдаров таъкидлаганидек: “Техрон узоқ йиллар мобайнида мужоҳид гуруҳларини қўллаганига қарамай Кобул билан муносабатлари турли сабабларга кўра ўзгарувчан хусусият касб этди. Афғонистондаги воқеаларнинг халқаро ҳамжамият эътиборида доимий турганини ҳисобга олган ҳолда, Эрон Афғонистоннинг барча ҳарбий-сиёсий гуруҳлари билан доимий алоқаларни қўллаб-қувватлашга интилди. Бироқ, Эроннинг шиа қатлами манфаатларини ифода этувчи Афғонистон Ислом бирлиги партияси (“Ҳезб-е ваҳдат”) билан жуда яқин алоқалари “оталарча” хусусиятга айланиб, унга ҳар томонлама кўмак

кўрсатган ҳолда фаолиятини ўз назоратига олди". Табиийки, ташқи кучлар омили ҳам миллий бирлик жараёнларига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

ХУЛОСА

Афғонистон ўлкасидаги турли хил миллат ва элатларни миллий бирлик асосида бирлаштириш мамлакатнинг келажакдаги тақдирини, ундаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ташқи кучлар таъсиридан халос бўлиш ва фаровон ҳаёт қуришнинг жуда муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади. Бизнингча, Афғонистон заминида миллий бирликни таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш жоиз бўлади:

- Мамлакатнинг барча этник қатламлари сиёсий арбобларини, таниқли диний уламоларни қамраб олган инклюзив ҳукумат ташкил этиш;

- Афғонистоннинг этник бирлашмалари ўртасида ҳамкорликларни йўлга қўйиш. Бу борада ҳар бир миллат ва элатнинг анъана, урф-одат ва қадриятларини тарғиб этувчи миллий-маданий марказлар ташкил этиш.

- Умумафғон уламолар кенгашини таъсис этиш.

Афғонистондаги вазият ва ҳолатни таҳлил қилган ҳолда, ушбу муаммони ҳал қилишда ташқи омиллардан кўра, ички омиллар асосий ўринга эга бўлаётганини кўришимиз мумкин. Айнан ҳозирги мураккаб бир шароитда мамлакатнинг барча миллат ва элат вакиллари ўртасида миллий бирликни таъминлаш концепцияси ички сиёсий барқарорлик, мамлакат тинчлиги ва осойишталигини амалга ошириш учун прагматик ёндашув ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. The situation in Afghanistan and its implications for international peace and security. Report of the Secretary-General, 15 June 2022. A/76/862-S/2022/485.

2. Yunas, S. Fida. Afghanistan. Political Parties, Groups, Movements and Mujahideen Alliances and Government (1879 to 1997), Peshawar, 1997. (RRT Library). <http://www.humanities.mcmaster.ca/%6Empeia/afghanistan.htm>

3. محسن جان پرور. همگرایی و واگرایی در افغانستان. کابل، ۱۳۸۹. ص. ۳۸.

(Муҳсинжон Парвар. Ҳамгаройи ва вогаройи дар Афғонистон. - Кобул, 1389. - С.38.) // Муҳсинжон Парвар. Афғонистондаги келишувлар ва ихтилофлар. - Кобул, 2011. - Б.38.

4. Акимбеков С., Пастухов Е. Проблемы афганского урегулирования до и после 2014. -Астана-Алматы, 2014. -С. 22.

5. Malikzada, N. (1 March, 2022) Afghanistan's future after the Taliban takeover: Civil war or disintegration? Atlantic Council. Retrived from <https://www.atlanticcouncil.org/blogs/southasiasource/afghanistans-future-after-the-taliban-takeover/>

6. Afghanistan: Taliban Forcibly Evict Minority Shia. October 22, 2021. Human Rights Watch <https://www.hrw.org/news/2021/10/22/afghanistan-taliban-forcibly-evict-minority-shia>

7. Taliban's Discriminations Against Persian Words and Expressions. September 13, 2022. Hasht-e Subh Daily. <https://8am.media/eng/https-8am-af-eng-talibans-controversies-on-persian-words-continue/>

8. Бўронов С. Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жараёнларида Ўзбекистон геосиёсати. - Т.: "EFFECT-D". 2021. - Б.18-19.

9. Rais, Rasul Bakhsh. "Ethnicity and Politics in Afghanistan: An Uncertain Balance." *Journal of South Asian and Middle Eastern Studies*, vol. 45 no. 3, 2022, p. 79-80.

10. Ҳайдаров А.А. Центральная Азия во внешней политике Исламской Республики Иран. Дисс. док. пол. наук. - Т.: 1996. - С.284-285.